O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 9 февраль, чоршанба • № 12 (11.711) • Эркин нархда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИ КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» китобини нашрдан чиқарди.**




Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқи ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Юртбошимиз, аввало, парламент сайловларининг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб, Конституциямиз, республикамизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очиқлик ва демократик руҳда ўтган сайловлар мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётганининг яна бир ёрқин далили бўлганлигини таъкидлайди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш борасидаги устувор вазифа ва йўналишлар аниқ-равшан кўрсатиб берилгани билан айниқса қимматлидир. Китобда уқтирилганидек, «мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади».

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги энг муҳим устувор вазифалар эса аввалгидек – бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборатдир.

Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, «Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда».

Президент Ислом Каримов мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш мақсадида олдимизга қўйган энг муҳим йўналиш ва устувор вазифалар юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишни, ҳамжиҳат ва самарали фаолият юритишни талаб этади.

Китоб ўзбек ва рус тилларида кўп минг нусхада чоп этилган.

**ЎзА.**

● *«Баркамол авлод – 2005»*

**Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги ўқув муассасалари ўртасида ўтказилувчи «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг учинчи босқичи бошланди. Тантанали очилиш маросими Янгийўл шаҳар хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар ушбу мусобақалар ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг оммалашаётгани, шу орқали ёшлар спорти жадал ривожланаётгани, келажакда улар орасидан Осиё, жаҳон, олимпиада чемпионлари етишиб чиқишига замин яратилаётганлигини таъкидлашди.**

## УЧИНЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

Шундан сўнг миллий мадҳиямиз садолари остида давлатимиз байроғи билан ёнма-ён «Баркамол авлод» мусобақаларининг рамзий байроғи кўтарилди. Маросимнинг бадиий қисмига навбат берилгач, шаҳар марказий маданият уйининг «Дилхирож» рақс дастаси ҳамда санъаткорларнинг чиқишлари даврага кўтаринкилик бахш этди.

Тантанали маросим тугагач, мусобақаларга старт берилди. Шу куни спортнинг икки тури – шахмат ва стол тенниси беллашувлари бошланди. 6 та ҳудуддан сараланиб келган 30 нафар шахматчи, 30 нафар стол тенниси усталари ўз маҳоратларини намойиш этишга киришдилар.

Биз мусобақа таассуротлари билан ўртоқлашиш мақсадида спортчи ва мураббийларга мурожаат этдик. Қуйида уларнинг фикрлари билан танишасиз.

**Ҳуснора ОРТИҚОВА, шахмат мусобақалари иштирокчиси:**

— Мен ҳозир Тошкент Давлат аграр университети қошидаги академик лицейнинг иккинчи босқичида таҳсил олмоқдаман. Ўрта мактабда ўқиган вақтимда «Умид ниҳоллари» мусобақаларида қатнашганман. Турли турнирлар, чемпионат ва биринчиликлар иштирокчисиман. Лекин «Баркамол авлод» мени анча ўзгартирди. Чунки, ундаги мусобақалар анча жиддийлик, пухталик талаб этади. Агар спортчи шуларга амал қилса, сўзсиз, яхши натижаларга эришади.

**Вова БОРИСЕНКО, стол тенниси бўйича мусобақалар қатнашчиси:**

— Мен етти йилдан буён спорт билан шуғулланиб келмоқдаман. «Баркамол авлод» мусобақаларида эса илк бор иштирок этаяпман.





Бу йил вилоятимиз аҳли учун ҳам, спортчилари учун ҳам синов йили бўлади. Чунки, биринчидан, мезбонлик, иккинчидан, аввалги қўлга киритилган ютуқларимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур. Орзуим устоз ва мураббийларимнинг юзини ёруғ қилишдир.

**Бахтиёр БЕСАБОЕВ, шахмат бўйича мураббий:**

— Бу масканда барча шарт ва шароитлар яратилган. Спортчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, овқатланиш ва шуғулланишлари учун ҳамма имкониятлар бор. Бундан кейин ҳам спортга нисбатан эътибор сусаймаса, Рустам Қосимжоновнинг издошлари кўпаяверади.



*СУРАТЛАРДА: тантанали очилиш маросими ҳамда спорт мусобақаларидан лавҳалар.*
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

ВИЛОЯТ *ҳаёти*

## ВАКИЛЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамкорлигида шу соҳа корхоналарида меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказилган республика кўрик-танловига якун чиқарилиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланди.**

Акциядорлик компанияси телекоммуникациялар боғламалари ўртасида «Чирком» корхонаси иккинчи даражали мукофотни қўлга киритди. «Тошкент телеком» шоҳобчасининг Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси учинчи даражали диплом соҳиби бўлди. Шу боғламанинг 5-АТС участкаси телекоммуникациялар боғламалари корхоналари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

**Акбар АЛИЕВ.**

## МАСЛАҲАТЧИЛАР ЎҚУВИ

**Жойлардаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида диний-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг янгиланаётган жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш юзасидан қатор тадбирлар, ўқув-машғулотлари ташкил этилмоқда.**

Пскент туманидаги 6 та қишлоқ ва 9 та маҳаллада мутасадди идоралар ва аҳоли вакиллари иштирокида ана шундай ўқув-машғулотлар бўлиб ўтди.

— Зиммамиздаги вазифалар ғоят улкан ва хайрли,— дейди тумандаги Мўминобод маҳалла маслаҳатчиси Назира Шоматова.— Уюштирилаётган ҳар бир учрашув ва машғулотда маҳалла фаолининг масъулиятини кучайтириш, дунёқарашини янада шакллантириш, жамият олдидаги бурч ва фидойилигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

**Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

## КЕЛИН-КУЁВЛАРГА СОВҒАЛАР

**«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида ёш ишчи оила қураётганида энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида жамоа тўёнаси олаяпти.**

Шунингдек, никоҳ кечаси тантанали ўтказилади, бунинг учун келин-куёв ёшлар уйидан бепул фойдаланмоқда. Ёш оила биринчи фарзанд кўрганида ҳам энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида «суюнчи» берилаётир.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

ВИЛОЯТ *ҳаёти*

● *Замондошимиз*

## БИЗНИНГ СЕНАТОР

**Иши кўп, эл дарди билан юрган одамни бир жойдан топиш қийин. Ҳатто қирчиллама қишнинг изғиринли кунларида ҳам бундай инсонлар уйда ўтира олмас экан. Қадрдон даласини айланмаса, гаражга кириб, техникаларни бир қур кўздан кечирмаса, уларнинг кўнгли ором топмайди. Фермер Хайрулла Иброҳимовни оиласи даврасида ҳам, ўнлаб механизатор ва созловчилар ишлаётган устахонада ҳам учратолмадик. Ҳамма ерда: «Ҳозиргина шу ерда эдилар», — деган жавобни олдик. Далада, буғдойзорни қоплаган оппоқ қор устида изларини кўрдик. Яқиндагина келиб кетганга ўхшарди...**



— Топамиз, — деди қатъий оҳангда туман ҳокими Рустам Холматов, — Сенаторимиз тиниб-тинчимас киши, балким банкда ёки ўзи ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган мактаб, йўқса, туман шифохонасида бўлиши мумкин. Хотиржам бўлинг, мириқиб суҳбатлашиб оласиз...

Дадил қадамлар билан келиб кўришган кишини туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Муҳаммадвали Розиқов «Иброҳимов шу киши бўладилар» дея таништирди. Меҳнат фаолиятини ўн етти ёшида Тошкент самолётсозлик заводида чилангар бўлиб бошлаган, ҳарбий хизмат, талабалик йилларида ўсиб-унган кишининг суҳбати мароқли кечди.

Тошкент политехника институтини тугатиб, қўлига муҳандис-қурувчи дипломини олганидан сўнг, унинг тақдири Жиззах вилояти билан боғланиб кетди. Айниқса, «Жиззахқурилиш» бирлашмасида бўлим бошлиғи, 92-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи лавозимларида ёшларга хос жасорат кўрсатиб, астойдил меҳнат қилди. «Зомин» обсерваторияси, Жиззах политехника, педагогика институтлари, вилоят нефть маҳсулотлари базаси ва бир қатор маданий-маиший, маъмурий биноларни қуриб фойдаланишга топширишда мутахассис сифатида фаол иштирок этганини жиззахликлар бугун миннатдорчилик билан эслашади.

— ... Ерга меҳрим баланд, яшилликни ёқтираман, — давом этди суҳбатдошим. — Бир чигитни тупроққа қадаб, токи ҳосил бергунича бўлган жараённи кузатган дамларим кўп бўлган. Қалбим кенгликларни қўмсайди, яшил буғдойзорда, барқ уриб ўсаётган ғўза қатор ораларида меҳнат қилишнинг ўз гашти бор. Асаларининг ғўза гулидан бол олаётганини ҳеч кузатганмисиз? Пахтазор — бир мўъжиза...

(Давоми 2-бетда).

● *Аччиқ, аммо очиқ гап*

## «ОЛМА ПИШ, ОҒЗИМГА ТУШ»

### Бекобод тумани Қиёт қишлоғидаги мактаблар аҳволи шу мақолни эсга солади



Фарзандлар униб-ўсиб, камолга етар даврининг маълум бир қисми мактабда кечади. Ўқиш жараёнида оқу қорани танийди, ҳаётнинг пасту баландини идрок этади. Бу, албатта, талай шарт-шароитлар, мактаблардаги муҳитнинг замон билан ҳамнафаслигига боғлиқ.

Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, ҳеч шубҳасиз, уларнинг яхшиланиб боришига, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилаётир. Хусусан, вилоятимизда янги мактаблар қурилиши, эскиларини замонавий андозалар асосида таъмирлаш мақсадларига йил сайин миллиард-миллиард сўмлаб маблағ сарфланмоқда.

Бекобод тумани мактабларида ҳам янги педагогик технологиялар жорий этилаётгани боис таълим-тарбия соҳасида маълум муваффақиятлар қўлга киритилаётганини эътироф этиш жоиз. Ҳозир туманда 62 та мактаб, 33 та мактабгача тарбия муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ўқувчилар ижодиёт маркази, болалар ва ўсмирлар спорт мактабида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор, албатта.

Ўқувчиларга фанлардан пухта билим бериш, улар дунёқарашини шакллантириш, тафаккурини кенгайтириш, мустақил фикр юритишга ўргатиш, касб эгаллаш, меҳнатга кўникма ҳосил қилишда илғор педагогик жамоалар олиб бораётган тарбиявий ишлар алоҳида ўрин тутади. Ўқув йили якунлари, эришилаётган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, бу борада муайян тажриба ҳам тўплаган, ўрнак олса бўладиган намунали таълим даргоҳлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, 2-, 6-, 13-, 19-, 31-, 32-, 38-умумтаълим мактабларида олиб борилаётган ўқув-тарбия ишлари бунга далил бўла олади.

Мактабларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ўқувчилар соғлом ҳамда бақувват бўлиб вояга етишини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Ҳозир 20 та ёпиқ

(Давоми 3-бетда).

● *9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун*

## «...ҲАР КУН ЎЗГА КАРВОН ОРОМГОҲИДУР БУ РАБОТ»

**Ҳазрат Алишер Навоий бутун умрини инсон қалбини, унинг руҳий-маънавий оламини инкишоф этишга сарфлади. Шоир ижодининг катта қисми дунёни билиш, моҳиятни англаш, Ҳақиқат — моҳиятга етишиш учун ҳаракат, нафсни енгиш каби масалаларни ва, энг муҳими, шу сифатларни ўзида жамлаган комил инсон ва комиллик ҳақидаги ғояларни тарғиб этувчи орифона ғазаллардан иборат. Жумладан, «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан олинган 280-ғазални олиб кўрайлик. Ушбу ғазал ҳам дунёнинг ўткинчилиги, унинг нафсоний мулк (макон) эканлиги, нафсни енгиш, руҳни енгилликка олиб чиқиш, ҳақ йўлига кириш зарурлиги каби масалаларга бағишланганлиги уни шарҳлаш жараёнида ойдинлашиб боради.**



***Нафс, қуттоъ-ум-тариқи***
***манзилидур бу работ,***
***Нақди дин ҳифзига қил***
***ўткунча андин эт эҳтиёт.***

Байтнинг насрий баёни: «Бу дунё нафс йўлтўсарларининг манзили. Диннинг қадр-қимматини ўлгунингча ундан сақла». Истиора ёрдамида дунё тушунчасини «работ» сўзи орқали ифодалаган. Навоий шу дунёга келиб-кетувчиларнинг, умуман, умрнинг ўткинчилигига очиқ ишора қилади. «Работ» луғатларда йўловчилар қисқа муддатга тўхтаб ўтадиган манзил сифатида изоҳланади. Нафс ва динни бир-бирига қарама-қарши қўйган шоир нафсонийлик ва руҳонийлик кураши доимий эканлигини, руҳни ўлгунча нафс қароқчиларидан асраш муҳимлигини таъкидлайди. Кейинги байт:

***Манзил этсанг бу работ***
***ичра иқомат қилмаким,***
***Ҳар кун ўзга карвон***
***оромгоҳидур бу работ.***

Чиндан бу дунё — бир работ. Унга кимлар келиб-кетмаган. Ҳали яна қанча-қанча кишилар келиб-кетади. Шундай экан, унга (худди абадий яшайдигандек!) жойлашиб олиш нодоннинг иши. Аввалги байтдаги фикрни ушбу байт мазмуни билан боғласак, «бу дунёга берилиб, унда абадий яшайдигандек, кун кечирмай, балки моҳиятни англашга урин», деган ички мазмунни илғаб олиш мумкин.

***Не тўшарсан тахти жоҳинг***
***фаршин олтун хишт ила***
***Ким сенингдек шоҳни***
***ўткариптур бу бисот.***

Шоирнинг дунёда энг баланд мақомга эга деб тасаввур этганимиз шоҳга мурожаат қилиши бежиз эмас. Байтнинг насрий баёни: «Жаҳолат тўшалган тахтингни нима учун олтин ғиштдан ясаб олгансан, ахир бу дунёга сендек шоҳлардан қанчаси келиб-кетди». Демак, дунё ушбу байтда истиора қўмагида «бисот» тушунчаси орқали ифода этилмоқда. У шоҳ, тахт каби тушунчалар билан биргаликда байт таносубини таъминлайди. Дунёнинг, унда кечадиган умрнинг фонийлигини шоҳ тимсолида бўрттириб кўрсата олган шоир кейинги байтларда шайх тимсолига эътиборини қаратади. Бунда албатта, чуқур рамзийлик бор:

(Давоми 4-бетда).

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ҲУДУД

**Тошкентда БМТ шафеълигида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг йиғилиши бошланди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда БМТ вакиллари иштирок этмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Юртбошимизнинг ушбу таклифи доирасида Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) ҳамда БМТнинг қуролсизланиш бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани ишлаб чиқиш бўйича музокаралар олиб борилаётир. Женева, Бишкек, Тошкент, Саппоро, Ашхабод ва Самарқанд шаҳарларида ушбу масалага бағишланган амалий учрашувлар ўтказилди.

Бу галги йиғилишда Шартнома лойиҳасининг матни юзасидан ядровий қуролга эга мамлакатлар ҳамда қатор халқаро ташкилотлар томонидан билдирилган таклиф ва шарҳлар муҳокама этилмоқда. Улар асосида иштирокчи томонлар бу борадаги умумий келишувни ишлаб чиқади.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛМОҚДА

**«Ўзагросуғурта» давлат компаниясининг Чиноз туман бўлими янги йилдан мижозлари билан ўзаро шартномалар тузишни қизғин бошлади.**

Суғурталаш компанияси ҳозиргача 10 та ширкат хўжалиги билан буғдой ҳосили учун умумий қиймати 1,6 миллион сўм бўлган гаров шартномасини тузди.

Шунингдек, ширкат хўжаликларидаги барча транспорт воситаларини суғурта қилиш бўйича ҳам 10 та шартнома кучга кирди.

**Озод МАЪМУРОВ.**

*• Замондошимиз*

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хайрулла туғилиб ўсган шаҳарчаси Дўстободга қайтгач, яхшигина лавозимлар, дурустгина ишлар таклиф этишди. Оилани боқиш, ҳаётда тўкин яшаш, болалар тарбияси, уларни ўқитиш, вояга етказиб, касб-ҳунарли қилишнинг биргина тўғри йўли — ҳалол меҳнат...

У «Гулистон» ширкат хўжалиги раисига бир неча бор ариза берди. Фермер бўлишга тўсиқлар кўп эканлигини ўшанда англади. Орияти кучли, меҳнатсевар Хайрулла «оилавий пудратчи бўлиб ўзимни раисга бир кўрсатай» деган ниятни юрагига тугиб қўйди. 24 гектар ер олди. Кетмон елкасидан тушмади, яланг оёқ сув кечди, эгат оралади. Саратон тафтига дош берди. Тупроқни суйди, экинни фарзанди мисол ардоқлади. Агротехника ниманики талаб этса, ҳаммасини рисоладагидек бажаришга ҳаракат қилди. 2001 йили гектаридан 30 центнердан ошириб хирмон кўтарди. Хўжалик раҳбари эса уни чув туширди. Шартномага амал қилмай, иш ҳақини вақтида тўламади.

— Шартномани бузаяпсиз, қонунни менсимаяпсиз, биз — деҳқонларни ҳурмат қилмаяпсиз, — деб Хайрулла тўғри раиснинг ҳузурига кириб борди.

Оддий темирчи Файзулла бобонинг ўғли олий маълумотли муҳандис бўлишига қарамай, елкасига кетмонни олиб, пахта етиштирса, ишни дўндириб қўйиб, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, «мана қонун бору» деб раис қабулига дадил кириб борса, ким уни қайтарарди. Деҳқон меҳнатининг оғирлигини, пахта етиштириш машаққатини, техника, сув, ўғит, молиявий масалалар қай ҳолатда эканлигини у ўз кўзи билан кўрди, тушуниб етди. Тўраларча муносабат, буйруқбозлик, манфаатдор шахсларнинг ўзгаларга ҳурматсизларча муносабатларига ҳам дуч келди. Пешона тери тўкиб, меҳнат қилиш, авжи қиш чилласида қор чангаллаб, техникани таъмирлаш, жазирамада ер, экин билан тиллаша олишнинг ўзи бўлмайди. Нима бўлганда ҳам, Хайрулла нималарга қодир эканлигини иш билан, фидокорона меҳнати билан исботлади.

Ҳамиша ва ҳозир ҳам онаси Қутбинисо аянинг дуосини олиб, иш юритадиган Хайрулла 2002 йилда ташкил этган фермер хўжалиги ҳам фаолиятини «Қутбиниса ая» номи билан бошлади. 74 гектар экин майдонининг чор-атрофидан Чирчиқ, Ангрен, Сирдарё оқиб ўтади. Бироз қисми тошлоқ, тупроқ унумдорлиги паст, мелиоратив аҳволи тузук эмас, суғориш тармоқлари эса... Техника ҳаво билан сувдек зарурлигини у яхши тушунади. Шу сабаб энг аввало, техника базасини вужудга келтиришга астойдил киришди. Дастлабки йилларни ўзи учун «тикланиш» даври деб ҳисоблаб, тиғиз, пухта ўйланган режа асосида ҳаракат қилди. Натижада бугунги кунга келиб, шахсий «Т-150», «Олтой» ҳайдов, «Т-28 ХТ», «МТЗ-80» чопиқ тракторлари, культиватор, сеялка, ер текислаш механизмлари, пайвандлаш қурилмаси, турли дастгоҳларга эга бўлди. Демак, бугун фермер хўжалигини ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар яратилган дейишга тўла асос бор. Пахта, буғдой ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ширкат хўжаликларида бир тонна пахтанинг таннархи 230-250 минг сўм бўлгани ҳолда, Хайрулла фермер бу кўрсаткични 150 минг сўмга пасайтирди. Шунга қараб, соф даромади ҳам ошиб бораётир.

— Юртбошимиз халқимизнинг фаровонлигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш, мамлакатимизда тинчликни сақлаш, эл осойишталигини таъминлаш учун одилона, халқпарвар сиёсат олиб бормоқдалар, — дейди Хайрулла Иброҳимов. — Буларнинг барчасини кўриб, билиб турибмиз. Лекин Президентимиз Андижон, Наманган, Самарқанд, Сирдарё вилоятларининг навбатдан ташқари сессияларида очиқ-ойдин айтганларидек, мавжуд қонун ва фармонларни ўз ҳудудларида тўла ижро этишга айрим раҳбарларнинг билим ва иқтидорлари етмаяпти. Юқори лавозим, юмшоқ курси, ён-атрофдагиларнинг хушомадлари уларни манманлик, кибр-ҳаво касалига йўлиқтириб, элдан ажратиб қўймоқда. Халқ дарди, одамлар ташвиши билан ҳисоблашмайди бундайлар. Оқибатда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги сусткашликнинг барча асоратларидан аввало оддий меҳнаткашлар азият чекади. Демоқчиманки, уқувсиз, билимсиз, иқтидорсиз, бунинг устига юртини, элини, Ватан равнақини ўйламайдиган айрим раҳбарлар ўз ҳудудларида иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширолмаяптилар. Шу ўринда порахўрлик, кўзбўямачилик, маънавий қашшоқлик, буйруқбозлик каби иллатларга қарши курашда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ҳаракат дастури менга жуда маъқул эканлигини таъкидламоқчиман. Мен шу партиянинг бир аъзоси сифатида мамлакатимга, халқимга, одамларга нафим тегса дейман.

Ачиниб, бироз эҳтиросга ҳам берилиб, юракдан сўзлайди фермер. Мамлакатимизда бу борада дастлабки қадамлар ташлангани, одамлар қалбида умид, ишонч учқунлари порлаб турганини ҳам яширмайди у. Мустақилликдан сўнг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда улкан ишлар амалга оширилганининг самараси бу.

Мамлакатимизда икки палатали парламент қарор топди. Оддий, лекин ишчан, ҳар бир масалада ўз нуқтаи назарига эга бўлган фермер Хайрулла Иброҳимов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолигига сайланди. Бу — халқ фаровонлиги, мамлакат равнақи учун куюнчак бир инсонга юрт ишончи.

— Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари катта қадам қўйдик, — дейди сенатор Хайрулла Иброҳимов. — Демак, янада маҳкамроқ жипслашдик, янада қудратлироқ, кучлироқ бўлиб борамиз. Мукаммал, ҳаётий, инсон ҳақ-ҳуқуқларини тўла-тўкис ҳимоя этадиган қонунлар яратамиз. Бу одамлар бахт-саодати, тинчлиги, фаровонлиги йўлида, буюк келажакни ўйлаб амалга оширилаётган доно сиёсатдир. Аминманки, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат ва унинг аъзолари ўзликларини намоён этадилар, Юртбошимиз Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузаларида қўйган вазифаларни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшадилар.

**Турсун АЛИЕВ.**

# БИЗНИНГ СЕНАТОР



# ДАСТУР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида вилоятда аёлларни иш билан таъминлаш юзасидан 2005-2007 йилларга мўлжалланган вилоят дастури ишлаб чиқилган эди.**

Қибрай, Янгийўл, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари ҳамда Оҳангарон шаҳрида ушбу дастурнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан кенгайтирилган ҳудудий йиғилишлар бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, савдо-саноат палатаси вакиллари, «Маҳалла» жамғармаси бўлимлари раислари, қишлоқ, қўрғон ҳамда шаҳарлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ва ушбу масалага алоқадор жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишларда аёллар ўртасида ишсизликни камайтириш, бунинг учун хотин-қизлар қўмитаси ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари биргаликда тегишли ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиши ва шу орқали янги иш ўринларини ташкил этиш, хусусан, касаначилик, зардўзлик, ҳунармандчилик каби касбларни ривожлантириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, аёллар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бунинг учун микрокредитлар ажратиш, жойларда бу борада дуч келинаётган муаммолар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилиш иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# «ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!» ЎН КУНЛИГИ

**Болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига оид билимларини мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг фарзандлари кўча қоидаларига риоя этишлари назоратини кучайтириш, аҳоли ўртасида ҳаракат хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйиш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан шу йил 6 февралдан 16 февралга қадар «Диққат, болалар!» ўн кунлик тадбири ўтказилмоқда.**

Тадбир давомида вилоят йўлларининг бугунги аҳволи, йўл белгилари ва йўл иншоотлари назорат кўригидан ўтказилади. Мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда йўл ҳаракати ҳавфсизлиги мавзуларида 200 дан ортиқ тадбир ўтказиш ва мингга яқин плакатлар тарқатиш режалаштирилган.

**Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,**
**вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори.**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЭЪТИБОРДА

**Тошкент туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари раисларининг семинар-машғулоти бўлиб ўтди.**

Унда жамоа шартномаларини тузиш тартиби, унинг ижроси ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, семинар давомида саноат соҳасида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш каби долзарб масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

# ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

**«Асака ўқув комплекси» шўъба хўжалик жамияти томонидан 22 ўринли, тўрт юлдузли «ОАЗИС-АСАКА» меҳмонхонаси ишга туширилди.**

– Меҳмонхонамизда мижозлар учун барча қулайликлар – ўқув ва бизнес маркази, конференция зали, сузиш ҳавзаси, сауна ва фитнес залига эга спорт-соғломлаштириш мажмуи, ресторан, қишки ва ёзги ошхона, автомобиллар учун тўхташ майдончаси мавжуд, – дейди жамият раҳбари Фаррух Тошхўжаев. – Меҳмонлар хавфсизлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Меҳмонхона хоналари замонавий мебел, телевизор, халқаро тизимларга уланган алоқа воситалари билан жиҳозланган.

**Лазиз РАҲМАТОВ, ЎзА мухбири.**

**Халқимиз – кечиримли. Азалдан ота-боболаримиз йиқилганни суяб, адашганга тўғри йўл кўрсатиб келган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ҳар йили давлатимиз раҳбари ана шу инсоний қадриятларга амал қилиб, бағрикенглик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган юртдошларимизнинг гуноҳларини афв этади.**

# ЙИҚИЛГАННИ СУЯБ, АДАШГАННИ АЯБ



Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги навбатдаги Фармони озодликдан маҳрум этилган минглаб кишиларни оиласи бағрига қайтарди. Улар орасида янгийўллик Фарид Айдаров ва олмалиқлик Ҳакимжон Султонов ҳам бор.

Хом сут эмган банда экан-да, тезроқ бойийман, белимни оғритмай мўмайгина пул топаман деб кал-та ўйлаган Ф.Айдаров жиноятга қўл урди. Жиноят жазосиз қолмайди. Умрининг икки йилини қамоқда ўтказган йигит Юртбошимизнинг мурувввати билан уйига қайтди.

– Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишлардим, – дейди Ҳ.Султонов. – Давлат раҳбарининг мендек адашганларга кўрсатган бағрикенглиги ва инсонпарварлиги боис яна одамларга қўшилдим, эски иш жойимга қайтдим. Гуноҳларимни ҳалол меҳнатим билан юваман.

Тошкент вилояти ички ишлар ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларидан олинган маълумотларга қараганда, жазони ўташ муассасаларидан озод этилган кишиларга ижтимоий кўникма маркази томонидан бир марталик моддий ёрдам пули берилмоқда. Шу пайтга қадар уларнинг юздан зиёди иш билан таъминланди.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАЪНАВИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР

**Ўз тарихи, анъаналари ва қадриятларини билган миллатгина тараққиёт сари юз тутади. Ўртачирчиқ тумани умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган тадбирларда шу ҳақда сўз борди.**

Ўқувчиларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, уларнинг маънавий қиёфаларини тарихий анъаналар асосида шакллантириш, шунингдек, ота-боболар меросини асраб-авайлаш каби масалалар тадбирнинг асосий мавзуси бўлди.

Унда маҳалла оқсоқоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва ўқувчилар иштирок этдилар.

**Отабек РУСТАМЖОНОВ.**


# ОАО «Тошкент отчопари»

***извещает о проведении общего годового собрания акционеров 7 марта 2005 г. по адресу: г. Ташкент, ул. Дружбы Народов, 156. Начало собрания в 11.00. Регистрация начинается с 10.00.***

***Повестка дня:***

1. Отчет исполнительного органа ОАО «Тошкент отчопари» о результатах финансово-хозяйственной деятельности за 2004 г.
2. Отчет ревизионной комиссии за 2004 г.
3. Утверждение бухгалтерского баланса, заключения аудиторской проверки за 2004 г.
4. Утверждение дивидентов за 2004 г.
5. Выбор в состав наблюдательного совета.
6. Утверждение состава правления и ревизионной комиссии.
7. Утверждение аудитора на 2005 г.
8. Утверждение бизнес-плана на 2005 г.
9. Выборы председателя правления в соответствии с Указом Президента РУз от 24.01.2003 г.
10. Организационные вопросы.

*Наблюдательный совет.*

**Баланс**
***ОАО «Тошкент отчопари» на 1.01.2005 г.***
**Телефоны для справок: 79-49-29, 79-68-18.**

| № | Наименование статей | Актив | Пассив |
|---|---|---|---|
| 1. | Долгосрочные активы | 11314 | —— |
| 2. | Производственные запасы | 12708 | —— |
| 3. | Денежные средства | 2715 | —— |
| 4. | Рассчеты с дебиторами | 288443 | —— |
| 5. | Уставный капитал | —— | 287878 |
| 6. | Добавный капитал | —— | 19193 |
| 7. | Нераспределенная прибыль (убыток) | —— | +2052 |
| 8. | Рассчеты с кредиторами | —— | 6057 |
| 9. | Баланс | 315180 | 315180 |

**Отчет финансовых результатов**

| № | Показатели | Доходы | Расходы |
|---|---|---|---|
| 1. | Чистая выручка от реализации | 98243 | —— |
| 2. | Производственная себестоимость | —— | —— |
| 3. | Валовая прибыль | 98243 | —— |
| 4. | Расходы по реализации | —— | 40771 |
| 5. | Административные расходы | —— | 10900 |
| 6. | Прочие операционные расходы и доходы | —— | 2639 |
| 7. | Прибыль (убыток) от основной деятельности | 43933 | —— |
| 8. | Налог на прибыль и прочие налоги | —— | 30930 |
| 9. | Чистая прибыль (убыток) | 13003 | —— |

**Достоверность баланса подтверждается аудиторской фирмой ЧФ «Аудит МРА» г. Ташкент.**


*• Қарор ва ижро*

# МЎЛЖАЛДАГИ ИШЛАР ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИЛСА ЭДИ...

## Ёхуд Ангрен кўмир конини кенгайтиришда эришилаётган ютуқлар ва юзага келаётган муаммолар хусусида

Бу корхонада ёқилғи қазиб чиқариш ва уни ташиш ишлари қишин-ёзин, куну тун тўхтамай давом этади. Ҳар куни қудратли экскаваторлар ёрдамида минглаб тонна кўмир қазиб олиниб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Саноат «нони» деб аталмиш кўмирга талаб эса мунтазам ортиб бораётгани уни қазиб чиқаришни янада кўпайтиришни тақозо этмоқда. Шунинг учун кўмир саноатининг бу етакчи корхонасини қайта қуришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширияпти. Бу ишни 2010 йилгача олти босқичда рўёбга чиқариш режалаштирилган. Асосий юмушлар кон устини очиш билан боғлиқ бўлади. Чунки, сўнгги ўн йилликларда бу соҳага етарли эътибор берилмаганлиги кўмирни очиқ усулда қазиб олишда бир қатор муаммоларни юзага келтирдики, уларни ҳал этмай туриб, кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш мумкин эмас. Барча босқич режалари амалга оширилгач эса, конда «қора олтин» қазиб чиқариш ҳажми йилига саккиз миллион тоннадан ҳам ошиб кетади.

Ҳозиргача биринчи босқич вазифалари тўла амалга оширилди. Кон устини очишда поток технология қўллана бошланди. Қудратли ротор экскаватори ва транспортер тасмалари ишга туширилди. Бу билан кон устини очиш ишлари анча кучайди. Ўтган йили 3 миллион куб метрдан ортиқ ҳажмдаги тупроқ-шағал қазилди.

Янги технология ва замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш, айниқса, кон устини очишда илғор усулларни қўлланиш кўмир қазиб чиқариш режаларининг ортиғи билан уддаланишига ёрдам берди. Буни ўтган йилдаги меҳнат натижалари яққол кўрсатди. Йил давомида 2 миллион 94 минг тонна ёқилғи мижозларга юборилиши керак эди. Режа октябрь ойининг биринчи ярмида тўла адо этилди. Йил охиригача эса қўшимча 491 минг тонна «қора олтин» қазиб чиқарилди. Истеъмолчиларга эса ҳаммаси бўлиб 2 миллион 439 минг тонна ёқилғи етказиб берилди.

Ўтган йили эришилган суръат бу йил ҳам сусаймай давом этмоқда. Буюртмачилар билан тузилган шартнома мажбуриятлари тўла ва ошириб адо этилмоқда. Қиш мавсумидаги қатор ноқулайлик ва қийинчиликларга қарамай, жадвалдан олдинда борилмоқда. Январь ойида 265 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. Бу мўлжалдагидан 10 минг тонна кўпдир.

Ўтган йили корхонанинг транспорт мажмуини ривожлантириш юзасидан бажарилган ишлар ҳам шунга хизмат қилмоқда. Сўм конвертациясининг йўлга қўйилиши айни муддао бўлди. Маълумки, кон саноатида фойдаланиладиган деярли барча машина-механизмлар, асбоб-ускуналар чет элларда тайёрланган. Уларни харид қилиш учун эса эркин алмаштириладиган сармоя керак бўлади. Корхона маъмурияти ўтган йили кўп юк кўтарадиган автомашиналар саройини бирмунча янгилади. Россия ва Беларусдан 6 та «КрАЗ» ва 12 та «БелАЗ» автомобилларини сотиб олди. Анчагина эҳтиёт қисмлар ҳам харид қилинди.



Конни техник жиҳатдан янгилаш бўйича белгиланган иккинчи босқич ишлари ўтган йили бошланиши керак эди. Агар унга вақтида киришилганида ютуқлар янада салмоқли бўларди. Бу босқичда цикл-ли-поток технологияни жорий қилиш назарда тутилган эди. Бунда гидравлик экскаваторлар, кўчма майдалаш асбоб-ускуналари ва транспортер ленталарини жорий қилиш режалаштирилган. Улар қоя жисмларини ва тошқотишмаларни қазишни бошлаш учун керак эди. Афсуски, шундай муҳим ишга ҳанузгача киришилмади. Бу ҳам фаолиятни янада жонлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Иккинчи босқич ўтган йилнинг охиригача амалга оширилиши керак бўлгани ҳолда уни бошлаш масаласи эндигина кўриб чиқилмоқда. Бундай кечикиш, албатта, ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Чунки, сийқаси чиққан, эскирган экскаваторлар, махсус темир йўл вагонлари — думпкарлар саройи ва бошқа кончилик техника воситаларини ишлатишни давом эттириш катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, уларга эҳтиёт қисмларнинг тақчиллигига ҳар қадамда дуч келинмоқда. Сабаби, бундай асбоб-ускуналарнинг ҳаммаси хорижда тайёрланган, улар учун эҳтиёт қисмларни ҳам фақат четдан сотиб олиш мумкин.

— Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Оҳангарон ҳавзасидаги кўмир заҳиралари 2 миллиард тоннадан кўп, — дейди кон директори Владимир Боднар. — Агар бу қимматли ёқилғини қазиб чиқаришни йилига 10 миллион тоннага етказганда ҳам у 200 йилга етади. Конни ривожлантиришни ҳар томонлама тезлаштириш халқ хўжалигининг унга нисбатан тўхтовсиз ошиб бораётган эҳтиёжини қондириш йўлида ташланган салмоқли одим бўлар эди. Бунинг учун, аввало, конимизни янгилаш бўйича белгиланган барча босқич режаларини ҳеч кечиктирмай амалга оширишга эришмоқ, барча мутасадди ташкилотларнинг шу мақсад йўлидаги ҳамкорлигини кучайтириш ва саъй-ҳаракатларини жадаллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*СУРАТДА: корхона раҳбари Владимир Боднар ва бош муҳандис Юрий Кривенколар конни қайта қуриш ишлари қандай бораётганини муҳокама қилмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

● 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

# «...ҲАР КУН ЎЗГА КАРВОН ОРОМГОҲИДУР БУ РАБОТ»

*Тавқи лаънат десалар*
*бўйнинда тасбиҳни не тонг,*
*Макру ҳийлат бирла шайх*
*эл бирла қилса ихтилот.*

Зоҳирбинликни бутун ижоди давомида қаттиқ қоралаган Навоий кўп ўринларда риёкор шайх тимсоли воситасида ўз ниятига эришади. Келтирилган байтда ҳам одамлар (эл) билан макру ҳийла орқали муносабатда бўладиган шайхнинг тасбиҳи унинг бўйнига осилган лаънат тамғасидир, деган фикр шундай давом эттирилади:

*Шайхи жоҳил бўлмоқ*
*ўз асрори бирла мунбасит,*
*Ғафлат аҳли бонг ила*
*қилган кабидур инбисот.*

Ҳа, ўзининг бундай сирлари билан хурсанд бўлган жоҳил шайх нашавандлик билан шодланиб юрган ғафлат аҳлига тенг, деган фикрни шоир ташбеҳ санъати воситасида ифодалайди. Шайхнинг жоҳиллиги — мана шу ўткинчи дунё учун ўзини хор айлаши — риё йўлига кириши. Бу дунёнинг, шайхнинг риёю алдовларига учган кишининг қиёфаси кейинги байтда янада очилиб боради:

*Зарқ жоми бирла важд этган*
*эрур эл тифлким,*
*Май дебон рангин суни қилғай*
*ичи ондин нашот.*

Шайхнинг бу риё алдовларига учиб, улардан завқу шавқ «олган» киши рангли сувни май деб ичиб олиб, одамлардан хурсанд бўлган ёш боладир. Кишиларни риё билан алдаб юрган шайхга нисбатан айтилган фикрларда қўлланилган қиёсларнинг барчаси ҳаётий асосга эга. Шайхни танқид этаётган Навоий аслида руҳонийликни тарғиб этиши лозим бўлган бу кимсанинг моддийликка — нафс балосига бу қадар берилиб кетганлигидан афсусда:

*Фақр кўйи итларидин кимки*
*кам кўрди ўзин,*
*Топсанг ани, итлари силкида*
*топқил ихтирот.*

Байтнинг насрий баёни: «Фақрлик кўйига (йўлига) кирган итлардан (содиқ кишилардан) ҳам ўзини кам кўрган кишиларни топсанг, уларнинг итлари қаторига қўшил». Хўш, фақирлик нима? Фақирлар кимлар? Луғатларда фақирлик — дунё молига эътиборсизлик маъносини англатади.

Байтдаги ит тимсоли ҳам фақирлик билан бевосита боғланган ҳолда ҳам ҳокисорлик, ҳам садоқат каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган тимсол. Мақсадга фақирлик орқали эришиш мумкинлигини шоир кейинги байтда шундай тушунтиради:

*Васлга йўл ҳажрдин фақр*
*ўлди кўргил турфаким,*
*Бирдин учмоғдир ҳижил,*
*бирдин томуғ, бирдин сирот.*

Демак, висолга ҳижрон азобларини бошидан ўтказибгина эришиб бўлмайди. Висолга олиб борадиган ҳижрон йўли фақирлик йўли билан туташиб кетган. Фақирлик машаққатларини бошидан кечирган ошиқ ёки ориф ўз ёрига бутун нафсоний-дунёвий иллатлардан тозаланиб, софлангачгина эриша олади. Бу изтиробларни бошидан кечириб ёзгандагина мақсадга эришиш мумкинлигини эса шоир ғазал сўнгида — мақтаъда шундай ифодалайди:

*Эй, Навоий, ишқ аро берабт*
*агар сурсам ҳадис,*
*Анда мазмун бил ғараз мақсуд*
*кўрма иртибот.*

Яъни: «Эй Навоий, кўнгилни ишққа боғламай сўз юритгудек бўлсам, ундан кўзда тутилган нарса мақсадга боғланиш эмас, балки мазмунни ифодалаш холос».

Хуллас, шоирнинг ушбу ғазали китобхонни уйғоқликка чорлайди, уни тириклик, дунё, ўз умри ва, албатта, инсонлик моҳияти ҳақида ўйлашга ундайди.



**Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасининг ўқитувчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

# УЧ ВАКИЛИМИЗ ҒОЛИБ

**Бокс бўйича Фарғона шаҳрида ўтган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида 180 нафар спортчи иштирок этди.**

Унда вилоятимиз вакилларидан уч нафари Азамат Кулжанов, Абдулазиз Матазимов ҳамда Аҳрор Муролимов ўз вазн тоифасида ғолиб бўлди.

Шунингдек, жиззахлик Баҳром Хидиров, Мираз Азорян, андижонлик Улуғбек Холмуродов, фарғоналик Элмурод Турсунов, Сардор Абдуллаев ва Баҳодир Мамажонов, қорақалпоғистонлик Алибек Қорабоев, пойтахтлик Мираҳрор Миракбаров, Дилшоджон Обиджоновлар ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.



**Ўз мухбиримиз.**

# ИККИНЧИ ТУР ЯКУНЛАНДИ



**Пойтахтимизда аёллар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи тур учрашувларида етакчи жамоалар навбатдаги ғалабага эришди.**

Ўтган йилги мамлакат чемпиони – Тошкент шаҳрининг «Тўмарис-СКИФ» жамоаси «Университет» (Урганч) волейболчиларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 24 очко жамғарди ва мусобақа жадвалида пешқадамлик қилмоқда.

Самарқанднинг «Иқтисодчи» жамоаси «Шифокор» вакилларини (Навоий) 3:0 ҳисобида енгиб, 19 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

● Шундан кейин

## ЖИНОЯТЧИ... ҲУҚУҚ ПОСБОНИ

Минскда катта ҳажмдаги қимматбаҳо тошларни сотишга уриниш чоғида Россия ИИВ подполковниги ва россиялик яна беш фуқаро ҳибсга олинди. Беларусь давлат хавфсизлик қўмитаси маълумотларига кўра, бу кимсалар республикага ёқут олиб киришни доимий йўлга қўйишга интилишган. Жиноятчиларнинг мазкур гуруҳидан кўп миқдорда қимматбаҳо тошлар сотиб олиш истагидаги харидор сифатида иш кўрган ДХҚ ходими уларни фош этди.

## ХАСТАЛИК ЕВРОПАГА ҚЎЛ ЧЎЗМОҚДА



Венерик линфогранулема ёки тўртинчи венерик хасталик Ғарбий Европа, хусусан Буюк Британия бўйлаб тарқалмоқда. Авваллари бу касаллик фақат ривожланаётган мамлакатларда учрарди. Энди эса, унинг аломатлари АҚШ ва бошқа ривожланган давлатлар ҳудудида қайд этилмоқда. Англияда бугунги кунгача 24 та шундай ҳодиса рўйхатга олинган.

## БИР ҲАФТАГА СУРИЛДИ

Душанба куни Майкл Жексон ишини кўраётган судья қўшиқчи адвокатининг қариндоши вафоти муносабати билан суд маслаҳатчилари танланишини бир ҳафта кейинга қолдирди. Мазкур жараёнда маслаҳатчи сифатида иштирок этишга 113 номзод сўрови 14 февраль куни давом эттирилади. Бир ҳафтадан сўнг, судья шунингдек, айбловчи ва ҳимоячи вакиллари билан ҳам суҳбатлашади.

## УНУТИЛАЁТГАН ҚАДРИЯТЛАР



Японияликлар шитоб билан ўз она тилларини ҳамда азалий хушмуомалалик анъаналарини унутаяптилар, дея маълум қилди кунчиқар мамлакатнинг маданият масалалари бўйича ҳукумат комиссияси. Аҳвол шу тариқа давом этаверса, бу мамлакат халқи яқин орада мулоқот учун расмий давлат маълумотномасига тез-тез назар ташлаб туришига тўғри келади.

● Маданият

# ДЎСТЛИК ТАНЛОВИ

**"Труд" газетаси ваколатхонаси, "Российская газета" таҳририяти, Рус маданияти маркази, "Ўзбекистон-Россия" дўстлик жамияти ва Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси томонидан энг яхши журналистик иш учун эълон қилинган танловга якун ясалди.**

Ижодий танловнинг турли йўналишларида тошкентлик мактаб ўқувчиси, "Класс" газетасининг ёш мухбири Виктория Гизатуллина, "Трактор-соз" газетаси ходими Вадим Лавренко, наманганлик журналист Гулнора Тожиқулова, республика радиоси "Дўстлик" канали мухбири Флора Фахрутдинова ғолиб деб тан олинди. "Тажриба ва маҳорат учун" йўналишидаги ғолиблик эса ўзбек журналистикасининг оқсоқол вакилларидан Шаҳобутдин Зайнутдиновга насиб этди. "Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун" йўналишида "Правда Востока" газетасининг меҳнат жамоаси биринчиликни қўлга киритди.

**«Жаҳон» АА.**

# Чехияда болалар расмлари кўргазмаси

**Чехиядаги Лидице шаҳарчасида халқаро болалар тасвирий санъат кўргазмасига якун ясалди.**

Бу ерда болалар ижодиёти кўргазмасини ташкил этиш анъанаси иккинчи жаҳон уруши йиллари Лидицеда содир бўлган воқеалар билан боғланиб кетган. Ўша машъум йиллар шаҳар фашистлар томонидан ер билан битта қилиб ташланган эди. Қайта тикланган Лидице аҳолиси қурбон бўлган ҳамшаҳарлари хотирасига бағишлаб 30 йил муқаддам биринчи марта ушбу кўргазмани ташкил қилишганди ва уни ҳар йили ўтказиб туришга келишиб олинган.

2004 йил кўргазма ҳайъати жаҳоннинг 63 та мамлакати, жумладан, Ўзбекистондан 12 мингга яқин болалар расмларини танлаб олди. Ёш рассомлар ўз ижод намуналарида миллий мусиқа асбобларини ифода этиш, мумтоз куй ва севимли мусиқа гуруҳлари концертларига ташриф буюриш, мусиқани қай тарзда англашларини рангли бўёқларда тасвирлашга ҳаракат қилишган. Танлов мукофотларига сазовор бўлганлар орасида ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари Луиза Хўжамқулова ва Гайана Сайамова ҳам бор.

**«Жаҳон» АА.**

# НИГОҲЛАРДАГИ ТЕРАНЛИК

**Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида Ўзбекистон Бадиий академияси ижодий бирлашмасининг аъзоси Валентин Ермаковнинг "Нигоҳлар. Фикрлар" мавзуидаги фото кўргазмаси ўтказилмоқда. Кўргазма Тошкент фото уйи, Бадиий академиянинг фоторассомлар бўлими ҳамда Замонавий санъат маркази томонидан ташкил этилди.**

— Асли касби мактаб ўқитувчиси бўлган В.Ермаков қарийб олтмиш йиллдирки, сураткашлик билан ҳам мунтазам шуғулланади, — деди санъатшунос Юрий Подпоренко. — Унинг ишларида ҳеч қачон шунчаки қиёфани кўрмаймиз, аксинча ижодкор ўз фотосуратлари орқали инсоннинг ички олами, руҳиятини теран очиб беришга интилади. Сураткашнинг ишларини заки томоша қилиш мумкин эмас. Унинг асарлари кишини мушоҳада қилиш, атрофга теран нигоҳ билан қарашга ундайди. Масалан, миййигида ним табассум билан турган мўйсафиднинг суратини оладиган бўлсак, унинг сиймосида биз ўтмишни, бугунни ва ҳатто келажакни кўрамиз.

**«Туркистон-пресс».**

# МОТ БЎЛДИ




Гапнинг ўғил боласини айтсам, мен бояқиш хотин бобида омади чопмаган шўр пешона чиқиб қолдим. «Қозон олсанг қоқиб ол, хотин олсанг боқиб ол» дегандай, бир йил қиз қидирдим, жамийки шаҳарларни айланиб келдим, газеталарга эълон бердим, бирор бағри тош қиз «ғинг» демади. Ёлғон бўлмасин, хоразмлик шўх қиздан булбулнинг тилидай икки энлик хат олдим. Войдод, бирор Санамжон «куёв бўлинг, Хоразма» деб таклиф қилган бўлсая, деб ишқий мактубни ҳовлиқиб ўқисам, «ёшулли, расмингизни кўриб, лабима учуқ тошди. Ултонтозга ўхшайди экансиз», деб ҳазиллашибди эрсиз ўткур шаддод қиз. Ноумид шайтон деб, изланишда давом этдим. Қайси қизга мурожаат этмай, қайси бирига оғиз солмай, «қаерда ишлайсиз, топармон-тутармонмисиз, қанақа ҳунарингиз бор», деб сўроққа тутади, жавобимни охиригача эшитмай, хайр-маъзурни насия қилиб, жўнаб қолади. Майли, бизнинг шўр пешонамизга ёзилган бирор дўндиқча топилиб қолар деб, сабр ўткариб юравердим. Мана, тавбангдан кетай, худди мен айтган воқеа содир бўлди денг.

Бир куни шаҳар оромгоҳи оғушида анвойи гуллар ҳидидан маст бўлиб кетаётган эдим, рўпарамдан келаётган қиз билан «гуп» этиб сўқишиб кетибман. Нотаниш қиз юракни ўртайдиган булбул навосидай майин, нафис овозда менга гап отди:

— Акажон, «берегись» десангиз бўлмайдими, авария бўлишга сал қолди-ку?!

— Кўзим кўзингизга тушгач, йўлдан адашдим, кечирасиз, — узр сўрадим.

— Кўча қоидасини билмас экансиз, ўрганиб олинг, яхши йигит, — деди қиз.

— Чиройли қизларни кўрсам ўзимни йўқотиб қўяман, мени кечиринг. Бугунги учрашув ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Умрбод эслаб юраман. Сир бўлмаса, исмингизни айтинг, илтимос?

— Исмим Руҳшона, мени бутун шахмат олами танийди, — қошини қоқди қиз.

Менга жон кирди, қизга қўл узатдим.

— Менинг исмим Маҳамат.

— Исмингиз чиройли экан, — деди қиз. — Марҳамат, пожалуйста деганида-а?

Кулишдик.

— Париларни девлар ўғирлаб кетишармиш, телеохранителсиз юргани қўрқмайсизми, Руҳшонахон?

— Сиз — рицарим, борсизку!

«Матрабга илинди, ҳаракатингни қилиб қол, куёв бола», дедим ўзимга.

— Руҳшонахон, шалтай-балтайни йиғиштирайлик, бошингиз очиқми?

— Кўриб турибсиз-ку, бошимда ҳеч нарса йўқ, — кулди қиз.

— Турмушга чиққанмисиз деяпман?

— Характери тўғри келса, чиқаверамиз, марҳамат.

— Яшанг, ўғил бола саволимга жавоб беришингизни сўрайман: эрга чиқишдан мақсадингиз нима?

— Яхши яшаш, сўнгги модада кийиниш, бола-чақа ва бошқалар, — кулиб жавоб берди қиз.

— Характерингиз? — сўроққа тутдим қизни.

— Ўлгудай қайсарман.

— Мен ҳам ўжарман, айтингчи, спортнинг қайси турига қизиқасиз?

— Теннис, волейбол, баскетбол, бокс, каратэ.

— Яна?

— Яна биттаси бор, ҳозирча сир, синовдан ўтсак, айтаман.

— Айта қолинг, оилада сир бўлмаслиги керак!

— Ҳали оила бўлганимиз йўқ-ку?

— Ҳай, майли, пешонамдан кўраман, дангалига айтинг, менга тегасизми?

— Тегаман!

— Қўлни ташланг.

— Давай.

Қўл олишдик.

— Биз космос асрида яшаяпмиз, шунинг учун тўйни яшин тезлигида ўтказамиз, розимисиз? — дедим.

— Розиман, — деди қиз.

— Қойил, ўғил бола экансиз. Энди юринг кафега, ташкилий масалаларни келишиб оламиз.

— Айда, кетдик...

Кўп ўтмай тўйимиз бўлди. «Ёр-ёр», карнай-сурнайлар билан келин келди. Куёв жўрам деди: қани куёвтўра, келинни машинадан тушириб олсинлар.

«Ё Али, шарманда қилма!», деб Руҳшонани кўтарган эдим, белим эски махсидай майишиб кетди. Руҳшонахон биринчи разрядли спортчи экан, мени даст кўтариб чимилдиққа ўзи олиб кириб кетди. Бўлди чапак, бўлди кулгу. Оилада ўктам бўлай деб, энди оёғимни кўтармоқчи бўлиб турган эдим, Руҳшона чаққонлик қилиб, оёғимни шартта босиб олди. Ичимда «оёқни единг, аблаҳ» дедим-у, сир бой бермадим.

Мана, Руҳшона билан чимилдиқда бирга-бир ўтирибмиз. Соатга қарайман: биру нол-нол. «Ухлаймизми, жоним», деб келиндан сўрайман. Руҳшонахон хонтахта устидаги нозу неъматларни суриб ташлаб, шахмат тахтасини очди, аспу фил, пиёдаю руҳларни шахмат тахтасига тера бошлади. Мен ажабландим:

— Жоним, нима гап, шахмат чемпионати ўтяптими?

— Биринчи учрашувда айтган шартим эсингиздами? — деди келинпошша.

— Шу тобда шартга бало борми, қаерда ўтирганимизни биласизми? — дедим.

— Билганда қандоқ, куёв бола билан чимилдиқда ўтирибмиз, хўш нима дейсиз?

— Унда, айтингчи, чимилдиққа киришдан мақсад нима?

— Ҳар ҳолда қўғирчоқ ўйнатмасак керак? Мард йигит бўлсангиз сўзингизда туринг, боғдаги гапим эсингиздами?

— Нима гап экан? — тоқатсизланиб сўрадим.

— «Битта камчилигим бор, уни чимилдиқда айтаман» деган эдим. Шахмат менинг жоним, Азройил кутиб турса ҳам шахмат ўйинини тўхтатмайман. Ўша вақт келди, ўтирсинлар бу ёққа, мени ютсангиз, ёр сизники, йўқса...

Нима ҳам қилардим, ўйинни бошладик. Ёпирай, бир пайт Руҳшонахон шиддат билан ҳужумга ўтдилар, мени довдиратиб қўйиб, бирин-кетин асп, фарзин, филимни ютиб олдилар. Ҳиёл ўтмай, ҳаёт-мамот жанги Руҳшонахон фойдасига ҳал бўлди. Руҳшона шу пайт «мот» деди-да, келинлик либосини ечиб, ўз кийимини кия бошлади.

Жон ҳолатда келинга савол ташладим:

— Бизни ташлаб, йўл бўлсин?

— Гап битта, шахмат ўйинида мени ким ютса, шунга тегаман, деб аҳд қилганман. Раз шундай экан, оила масаласида шошмай турамиз, хайр!

**Абдулла ИСОМИДДИН.**

PerfectumMobile CDMA Dreams Come True!

**Энг ишончли, арзон уяли алоқа системаси Тошкент вилоятида.**

*Телефонларни сотиб олиш, улаш, ойлик бадалларни тўлаш вилоят шаҳарларида амалга оширилади:*

- Тўйтепа ш. Учқун к., 1-уй, тел. 21594,
- Пскент ш. А.Темур к. 15-уй, тел. 52070
- Бўка ш. Ўзбекистон к. 15-уй, тел. 35997
- Оққўрғон ш. Охунбобоев к. 4-уй, тел. 22152

«Белк» ЛТД фирмаси, «Перфектум Мобайл» расмий дилери, тел. 1260789, 3000789, 1280789

**Ҳурматли абонентлар!**

**Сизнинг эътиборингизга шуни маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва Информациялаштириш Агентлиги буйруғига мувофиқ SkyTel уяли алоқа тармоғи 2005 йил 5 февралдан бошлаб ўчирилди. Бу илгари Компаниямиз учун ажратилган радиочастоталар диапазони Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига берилганлиги билан боғлиқ.**

**Ушбу муаммолар Компания раҳбарияти томонидан ҳал бўлишига қадар алоқа хизматлари кўрсатилмайди. Компания раҳбарияти ушбу муаммони тез орада ҳал қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Келиб чиққан ноқулайликлар учун Сиздан самимий узримизни қабул қилишингизни сўраймиз.**

**Бизни тушунасиз деган умиддамиз.**

Маълумот учун телефонлар: **120-00-00, 120-00-01.**
Манзилгоҳ: **Пушкин кўчаси, 1-уй.**

## Об-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 9 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5 даража совуқ, кундузи 5-7 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ — ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-145. Адади 7509. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 1 2 3 4 5